

КЎЗИ ОЖИЗ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲИССИЙ ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚИ ЭТИШ.**Аленова Мехринисо Уразбаевна***Бухоро халқаро университети Психология мутахассислиги**1-курс магистранти***MAQOLA
MALUMOTI****ANNOTATSIYA:****MAQOLA TARIXI:***Received: 11.11.2025**Revised: 12.11.2025**Accepted: 13.11.2025***KALIT SO'ZLAR:**

*кўзи ожиз ўқувчи,
ҳиссий ҳолат,
ҳиссий интеллект,
эмоционал
барқарорлик,
психодиагностика,
реабилитация,
эмпатия, мослашув*

Мазкур мақолада кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини ўрганишнинг психологик ва педагогик жиҳатлари таҳлил қилинади. Ҳиссий интеллект, ижтимоий мослашув, ўзини англаш ва ўзаро муносабатларда эмоционал барқарорликни ривожлантириш масалалари ёритилади. Шунингдек, кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини тадқиқ этишида қўлланиладиган диагностик методлар, кузатиш ва суҳбат усуллари ҳақида амалий тавсиялар келтирилади.

Кириш

Кўзи ожиз (кўриш нуқсонига эга) ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда уларнинг ҳиссий ҳолатини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрганиш жараёнида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг тарбияланаётган ижтимоий муҳити билан танишиш ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини аниқлашга янада кўпроқ имкон беради. Кўриш имконияти чекланган болалар дунёни идрок этишда асосан эшитиш, тегиниш ва ҳиссий тажриба орқали маълумот оладилар. Шу сабабли уларнинг ҳиссий реакция, кайфият ва аффектив кечинмалари соғлом тенгдошларига нисбатан бошқачароқ кечади. Психологик жиҳатдан улар кўпроқ ижтимоий қўллаб-қувватлашга, самимий мулоқотга ва ижобий ҳиссий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўладилар. Шу боис, кўзи

ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини тадқиқ этиш уларнинг ўқув жараёнидаги муваффақиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу тоифадаги болаларнинг қандай шароитларда тарбияланаётганлиги, ота-она ва бошқаларнинг болага муносабати, оиладаги интеллектуал, маданий ва маънавий муҳит бола руҳий ривожланишида ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Асосий қисм

1. Кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатининг ўзига хос жиҳатлари Кўзи ожиз ўқувчиларда ҳис-туйғуларни ифодалашда айрим чекловлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ички кечинмалари ниҳоятда бой ва чуқур бўлади. Улар ташқи сезгиларнинг чекланишини компенсация қилиш учун эмоционал сезгирликни кучайтирадилар. Шу сабабли улар ўзаро мулоқотда овоз оҳанги, сўз танлови ва тана ҳаракати орқали бошқаларнинг кайфиятини ҳис қилиш қобилиятига эга бўладилар. Асосий эмоционал хусусиятлари: ҳиссий сезгирликнинг юқорилиги, ташқи таъсирларга кучли реакция, ички хавотир ва ўзига ишончсизлик ҳолатларининг тез пайдо бўлиши, ижобий қўллаб-қувватлаш орқали тез тинчланиш ва мотивациянинг ортиши мумкин.

2. Тадқиқот зарурати Кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини тадқиқ қилиш куйидагиларга хизмат қилади:

- уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини аниқлаш;- стресс ва хавотир даражасини баҳолаш;
- ижтимоий мослашувдаги қийинчиликларни бартараф этиш;
- психологик реабилитация дастурларини тузишда ёрдам бериш.

3. Тадқиқот услублари Ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини тадқиқ этишда бир нечта услублар қўлланилади:

а) Кузатиш усули – ўқувчининг дарсдаги ҳиссий реакциялари, овоз оҳанги, тана ҳаракати, иштироки ва суҳбатдаги жавоблари, дўстлари билан муносабатлари, ўқитувчи томонидан унга нисбатан билдирилган фикрларга ўз фикрини билдиришини диққат билан кузатилади.

б) Суҳбат (интервью) усули – ўқувчининг ўз ҳис-туйғуларини оғзаки ифодалаш қобилиятини баҳолаш учун шахсий суҳбатлар ўтказилади. Бу метод текширувчи учун энг қулай бўлиши билан бирга ундан катта моҳирлик талаб қилади. Ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбатда боланинг ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда, мулоқатни ёқимли ва нетрал саволлардан бошлаш ва ўзаро илиқ муносабатни шакллантиришдан бошлаш лозим. Суҳбат давомида ўқувчини ноқулай вазиятга тушурувчи саволлар

бериш ва барча саволларга жавоб беришга мажбурлаш тавсия этилмайди. Берилган ҳар бир жавобни диққат билан тинглаш, ҳолат ёки вазиятга нисбатан муносабатини қандай ифода қилганига аҳмият бериш зарур.

д) Лойиҳа методлари – “Эшитган товуш асосида тасаввур” ёки “Туйғуни сўз билан ифода этиш” усуллари орқали ички кечинмалар аниқланади. Ушбу усулдан фойдаланиш учун ўқувчи ва психолог ўртасида ишончли муносабат ўрнатиб олиш лозим, акс ҳолатда ўқувчи ўзининг ҳиссий ҳолатини эркин ифода этмаслигига сабаб бўлади. Туйғуни сўзлар билан ифода этаётганда ўқувчининг эмоционал ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш Тадқиқот натижаларида кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий жавоблари соғлом тенгдошларига нисбатан кучлироқ экани кузатилади. Улар ижобий рағбатга тез жавоб беришади, танқидий муносабат эса уларни руҳий тушкунликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун таълим жараёнида ижобий ҳиссий муҳитни яратиш, қўллаб-қувватловчи мулоқот усуллари кўпайтириш, жамоавий ўйинлар ва эшитиш асосидаги машғулотлардан фойдаланиш, шунингдек индивидуал психологик ёндашувни таъминлаш зарур.

Хулоса Кўзи ожиз ўқувчиларнинг ҳиссий ҳолатини тадқиқ этиш уларнинг шахсий ривожланишида ва таълим жараёнига ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри танланган психодиагностик ва педагогик услублар уларнинг ўзига ишончини, эмоционал барқарорлигини ва ижтимоий фаоллигини кучайтиради. Бу эса ўқувчиларнинг ўқишдаги муваффақияти ҳамда келажакдаги ижтимоий ҳаётида фаол иштирокини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ғозиев Э. Г. Умумий психология. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2010.
2. Шоумаров Ғ. Махсус педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2008.
3. Леонтев А. Н. Деятелност. Сознание. Личност. – М.: Наука, 1977.
4. Маер Ж. Д., Саловей П. Эмоционал Интеллигенсе. – Имагинатив, Сөгнитив анд Персоналит, 1990.
5. Юсупов Р. Психологияда тадқиқот методлари. – Т.: ТДПУ, 2018